

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чика бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 7 сентябрь • № 35 (1212)

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Президента Республики Узбекистан

О МЕРАХ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ НЕВРОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ

За истекший период проделана комплексная работа по повышению доступности и оперативности оказываемой населению специализированной медицинской помощи, внедряются современные методы диагностики и лечения, значительно повысился уровень качества оказываемых медицинских услуг.

Вместе с тем сохраняются отдельные проблемы и недостатки в сфере диагностики, профилактики и лечения неврологических заболеваний, а также обеспечения доступности специализированной медицинской помощи.

В частности, за последние десять лет продолжается стабильный рост неврологических заболеваний, некоторые из ко-

торых характеризуются высокой летальностью, а низкий уровень реабилитационных мероприятий приводит к увеличению инвалидизации населения.

Отсутствует единая централизованная система организации профилактической и лечебной работы, раннего выявления неврологических заболеваний, проведения научно-практических исследований в данном направлении.

В целях совершенствования оказания неврологической помощи и нейрореабилитационных мероприятий, отвечающих современным требованиям, а также расширения видов специализированной помощи, улучшения ее качества и доступности:

1. Согласиться с предложениями Министерства здравоохранения

и Министерства экономики Республики Узбекистан о создании Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра неврологии и инсульта (далее – Центр).

2. Определить основными задачами и направлениями деятельности Центра:

– создание единой вертикальной системы организации профилактики, диагностики и лечения неврологических заболеваний, организационно-методическое руководство специализированными отделениями неврологии государственных медицинских организаций;

– осуществление комплексных научно-практических исследований в области экспериментальной и клинической невроло-

гии, направленных на создание новых методов профилактики, диагностики и лечения неврологических заболеваний, реабилитации неврологических больных, в том числе с использованием компьютерных, стимуляционных и роботизированных технологий;

– проведение аналитической и научно-исследовательской работы по своевременному выявлению тенденций неврологической заболеваемости в целом по республике и в каждом регионе, разработка схем профилактики, раннего выявления и лечения для учреждений здравоохранения;

– активное выявление больных с факторами риска неврологических заболеваний, а также больных на ранних стадиях заболевания, с использованием

метода скрининг-опроса и учетом индивидуальной степени риска развития неврологических заболеваний;

– разработку инновационных подходов к клеточной и генной терапии неврологических заболеваний, внедрение скрининговых исследований и популяционного регистра больных инсультом, эпилепсией и другими распространенными неврологическими заболеваниями в специализированных профильных отделениях государственных медицинских организаций;

– совершенствование системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров в области неврологии и нейрореабилитологии, укрепление кадрового (Продолжение на 2-й стр.)

Анжуман

ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МУҲОКАМАСИ



Аҳоли ўртасида тери касалликлари ва уларнинг салбий асоратлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни сифатли дерматовенерология хизмати билан таъминлаш, шу мақсадда тизим фаолиятини такомиллаштириш бугун мамлакатимиз тиббиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Давлатимиз томонидан соҳага оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар эса мазкур вазифалар ижросини таъминлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Конгресс

НЕЙРОХИРУРГИЯДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



Хабарингиз бор, 2017 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдами кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 867-сонли қарори қабул қилинган эди.

(Давоми 4-бетда).

ПОСТАНОВЛЕНИЕ Президента Республики Узбекистан О МЕРАХ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ НЕВРОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ

потенциала специализированных профильных отделений государственных медицинских организаций;

– организацию семинаров-тренингов, мастер-классов, вебинаров и телемостов в области неврологии и нейрореабилитологии с региональными специалистами первичного звена здравоохранения, в том числе с привлечением ведущих зарубежных специалистов;

– развитие партнерских связей с зарубежными научно-исследовательскими центрами, клиниками и высшими образовательными учреждениями в области неврологии и нейрореабилитологии, реализацию совместных научных проектов и привлечение грантов;

– обеспечение постоянного обновления и модернизации имеющегося парка медицинской техники и аппаратуры, оснащение Центра современным медицинским оборудованием, позволяющим оказывать специализированную высокотехнологическую медицинскую помощь в области неврологии на уровне передовых мировых достижений.

3. Установить, что специализированные отделения неврологии государственных медицинских организаций являются организационно-методическими подразделениями Центра.

4. Утвердить Программу мер по повышению эффективности специализированной неврологической помощи населению (далее – Программа мер) согласно приложению № 1.

Установить, что руководители министерств и ведомств несут персональную ответственность за своевременную, полную и качественную реализацию мероприятий, предусмотренных в Программе мер.

(Окончание.
Начало на 1-й стр.)

5. Образовать Рабочую комиссию по мониторингу хода исполнения Программы мер по повышению эффективности специализированной неврологической помощи населению (далее – Комиссия) в составе согласно приложению № 2.

Определить основными задачами Комиссии:

– координацию деятельности ответственных исполнителей по реализации мероприятий, предусмотренных настоящей постановлением, а также организацию их эффективного, качественного и своевременного исполнения;

– оказание содействия во внедрении в деятельность Центра достижений науки и техники, современных технологий и передового опыта оказания неврологической помощи;

– выявление проблем, возникающих при исполнении поставленных перед Центром задач, и условий им способствующих, выработку предложений по дальнейшему совершенствованию системы оказания неврологической помощи;

– осуществление контроля за деятельностью неврологической службы, эффективностью выполнения возложенных на медицинский персонал обязанностей по оказанию высококвалифицированной помощи больным с неврологическими заболеваниями и инсультами;

– изучение, в том числе с выездом на места, процесса лечения больных на основе разработанных стандартов медицинской помощи учреждениями, осуществляющими неврологическую помощь.

6. Согласиться с предложением Министерства здравоохранения Республики Узбекистан об открытии, начиная с 2019/2020 учебного года, нового направления магистратуры и клинической ординатуры по специальности «нейрореабилитология» в высших медицинских образовательных учреждениях.

7. Передать Центру на праве оперативного управления здание

Академического лицея при Ташкентском государственном стоматологическом институте (далее – Академический лицей), расположенный по адресу, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица С. Машахадий, дом 217.

Хокимияту города Ташкента совместно с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан обеспечить размещение Академического лицея.

Установить, что учащиеся Академического лицея до его размещения продолжают обучение в зданиях, переданных Центру.

8. Определить источниками финансирования деятельности Центра:

– средства Государственного бюджета Республики Узбекистан;

– поступления от выполнения работ и оказания услуг по профилю деятельности;

– благотворительные спонсорские средства физических и юридических лиц, гранты международных финансовых институтов и зарубежных организаций;

– другие источники, не запрещенные законодательством.

9. Распространить на Центр действие утвержденных Постановлением Кабинета Министров от 8 июня 2004 года № 264 «О мерах по завершению эксперимента и углублению реформ в системе здравоохранения»:

– правил оказания высококвалифицированной специализированной медицинской помощи населению на платной основе с соблюдением стандартов качества диагностики и лечения;

– порядка выдачи ордеров, госпитализации и оплаты стоимости лечения льготного контингента больных за счет средств государственного бюджета;

– положения о госпитализации больных, нуждающихся в экстренной медицинской помощи;

– положения об основных источниках формирования доходов и порядке финансирования деятельности Республиканских специализированных медицинских центров.

10. Государственному комите-

ту по инвестициям совместно с Министерством экономики и Министерством финансов при формировании государственных программ развития Республики Узбекистан на 2019-2020 годы обеспечить в установленном порядке включение в них проектов по реконструкции, капитальному ремонту и оснащению зданий и сооружений в соответствии с утвержденной проектно-сметной документацией, а также оснащению Центра медицинским оборудованием.

11. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан:

– в месячный срок утвердить положение и структуру Центра и обеспечить его государственную регистрацию;

– в двухмесячный срок укомплектовать Центр квалифицированными специалистами, способными на высоком и профессиональном уровне обеспечить выполнение возложенных на него задач;

– в срок до 1 декабря 2019 года пересмотреть и обновить клинические протоколы, стандарты диагностики и лечения неврологических заболеваний, с учетом внедрения современных, основанных на доказательной медицине, методов и технологий оказания лечебно-диагностических услуг;

– в месячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения об изменении и дополнении в законодательство, вытекающие из настоящего постановления.

12. Министерству финансов выделить Министерству здравоохранения в 2018 году в пределах параметров расходов Государственного бюджета Республики Узбекистан средства, необходимые для реализации настоящего постановления.

13. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан совместно с Государственным комитетом по инвестициям и Ми-

нистерством финансов, принять необходимые меры по привлечению льготных кредитов (займов) и грантов зарубежных государств, международных финансовых организаций и других внебюджетных средств для оснащения Центра высокотехнологическим медицинским оборудованием.

14. Возложить персональную ответственность на:

– заместителя Премьер-министра – министра финансов Республики Узбекистан Кучкарова Д. А. за своевременное и в полном объеме финансирование всех предусмотренных мероприятий, в том числе работ по реконструкции и капитальному ремонту зданий и помещений Центра, оснащению их современным научным и лабораторным оборудованием, необходимым комплектами и расходными материалами;

– заместителя Премьер-министра – председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по инвестициям Холмуродова С. Р. за привлечение средств технического содействия и грантов международных финансовых институтов и донорских организаций для оснащения Центра современным высокотехнологическим медицинским оборудованием;

– министра здравоохранения Шадманова А. К. за эффективность организации деятельности Центра и специализированных отделений районных (городских) медицинских объединений.

15. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на руководителя Администрации Президента Республики Узбекистан Низомиддина З. Ш., советника Президента Республики Узбекистан Абдувохитова А. А. и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Абдухакимова А. А.

**Президент
Республики Узбекистан
Ш. МИРЗИЕВ**

Город Ташкент,
30 августа 2018 года.

Ислоҳот одимлари

ЯНГИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ИШ БОШЛАДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида Наманган шаҳрида 14-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.



Саккиз ой муқаддам қурилишига пойдевор қўйилган мазкур тиббиёт муассасаси «Наманган давр қурилиш» МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Қурилиш ишларига 4 миллиард 814 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Уч қаватли шифо маскани 250 қатновга мўлжалланган. Тиббий хизмат ва муолажалар замонавий тиббий ускуналар ёрдамида бажарилади. Шу қунларда муассасага «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида 152 минг АҚШ доллари қийматидаги янги тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Муассаса «Электрон поликлиника» автоматлаштирилган ахборот тизимига уланган бўлиб, у автоматлаштирилган ҳолда рўйхатга олиш, фуқаро-



ларнинг ягона электрон тиббий картасини юритиш, онлайн тарзда шифокор қабулига ёзилиш имконини беради.

Худуддаги 32 минг аҳолига қарийб 100 нафар малакали шифокор ва ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади. (ЎЗА).

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

«КОНСУЛЬТАТИВ ТЕЛЕМЕТРИК КАРДИОЛОГИК МАРКАЗ» ИЛК БОР СУРХОНДАРЁДА

Миокард инфаркти юрак қон-томир касалликлари орасида инсон саломатлигига жиддий зарар етказиб, меҳнатга лаёқатини сусайтирибгина қолмай, ҳаракат фаолиятини бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин бўлган хасталик ҳисобланади. Шу боис ҳам бугунги кунда дунё тиббиётида миокард инфаркти (МИ)га ногиронлик ва ўлимга олиб келувчи асосий омиллардан бири сифатида қаралади.




Айтиш кераки, XX асрда дунё олимлари томонидан ўтказилган кенг кўламли текширувлар натижасида МИни даволашда тромболитик терапия (тромбни эритиш, ТЛТ) асосий ўринни эгаллаш тасдиқланган. Қатор мета-анализлар ТЛТнинг бошланиш вақти ўлим кўрсаткичи билан узвий боғлиқлигини кўрсатган. Бу борада энг самарали йўл томирларни очиш учун дориларни эрта юбориш ва унда дастлабки соатлар ўта муҳим, бошқача айтганда, олтин вақт ҳисобланади. Сабаби, ушбу вақтда кўрсатилган тиббий ёрдам ўлим кўрсаткичини 47 фоиз (EMERAS, 1993; FTT)га камайтиради. Одатда бу жараёни асосий ёрдам, яъни стационарга етиб боргунга қадар бирламчи амалиётда бажариш зарур. Бироқ, айни пайтда касалликнинг симптоматикаси бошланиши билан томирларни очадиган дориларни юбориш ўртаси-

даги вақт бўйича Европа давлатлари тажрибаси билан беллашишимиз мушкул. Чунки, беморларнинг кечикиб муҳожаат қилиши асосий муаммолардан бири бўлса, кўп ҳолларда тез тиббий ёрдам имкониятлари ва мутахассислар тажрибаси билан боғлиқ.

Юракнинг инфаркт билан боғлиқ артериясида қон оқимини эрта ва самарали тиклаш (реперфузия) беморларнинг кейинги тақдирига ижобий таъсир кўрсатади, яъни юракнинг имкониятларини сақлаб қоладиган асосий омил саналади. Бундан ташқари, юрак бошқа турдаги касалликлари ҳам борки, уларни эрта аниқлаб белгиланган стандартлар бўйича муолажа қилинмаса, оқибати кўнгилсиз ҳолатлар билан якуланиши мумкин. Юрак касалликларини самарали даволаш ва асоратларини олдини олишнинг асосий йўллари билан бу хасталикнинг ўткир формаларини эрта аниқлаш ва ста-

ционарча бўлган ёрдамни тўғри кўрсатишдир. Биламизки, беморлар билан дастлаб мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари бирламчи тизим – тез тиббий ёрдам, ҚОП ва ҚВП мутахассисларидир.

Юқорида келтирилган далилларнинг долзарблигига асосланиб бирламчи тизим билан доимий боғлиқликни ўрнатиш мақсадида Сурхондарё вилоят кардиология маркази ва Жарқўрган туманининг тиббиёт муассасалари ўртасида Украина давлатининг «ЮТАС» компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда илк бор «консультатив телеметрик кардиологик марказ» ташкил қилинди. Ундан мақсад, юрак қон-томир касалликларининг ўткир формаларини эрта аниқлаш, консультант билан боғлиқлиб ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёж туғилганда стационарга йўналтиришдан иборатдир. Ҳозирги кунда Жарқўрган туманидаги 22 та тиббий муассаса (13 та тез тиббий ёрдам шохбаси, олти ҚОП, битта ҚВП, иккита поликлиника) GSM модули билан жиҳозланган шунингдек, кўп функцияли электрокардиограф ЮКАРД-100 апарати билан таъминланди. Дастурни самарали амалга ошириш учун Киев (Украина) шаҳридаги «Тез тиббий ёрдам маркази»га бориб, мутахассислар томонидан жараён тўлиқ ўрганиб келинди. «ЮТАС» компанияси мутахассислари келиб ўрнатиш ишларини амалга ошириб, техник ишлатилиши бўйича муҳим маълумотлар беришди. Консультатив телеметрик марказ вилоят кардиология марказининг кардиореанимация бўлими ичида ташкил қилинган бўлиб, 24 соат давомида фаоли-



ят юротилади. Ҳозирги кунда куняга 35-40 га яқин электрокардиограмма келиб тушяпти. ЭКГ хулосаси ва консультация бериш жараёни 5 минутдан 10 минутга давом этаёпти. Дастурнинг қулай томони шундаки, электрокардиограф ЮКАРД-100 мобил бўлиб ҳар қандай жойга олиб бориш ва жараёни амалга ошириш мумкин. Бир дақиқа ичида телеметрик марказга юборилади. Аппаратнинг ўзидан алоқага чиқиш имконияти мавжуд. Маълумотлар алмашинуви учун интернет тармоғи бўлиши шарт эмас. **Энг асосий томони** Жарқўрган туманининг ҳамма тиббиёт муассасаларига ЭКГ хулосаси ва масофали консультация бериляпти, **иккинчидан** юрак касалликларининг ўткир

формаларига мутахассис тавсияси билан ёрдам кўрсатилиб стационарга йўналтирилмоқда, **учинчидан** ёш мутахассисларга ўрганиши ва хато қилмаслиги учун мактаб вази фасини ҳам ўтамоқда. Ҳозирги қилинаётган ишлар дастурнинг биринчи босқичи бўлиб, иккинчи босқичида ўткир коронар синдромда стационарча бўлган вақтда (2-3 соат ичида) тромболитик терапияни (тромбни эритувчи препарат) ташкил қилиш ва учинчи босқичда кардиология марказида очилаётган рентген эндоваскуляр хирургия бўлимида миокард инфарктининг ўткир даврида беморларни инвазив усулда даволашни йўлга қўйиш (агар 2 соат ичида ўтказилса, операциядан кейин уйига қайтариб юбориш имконини беради).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, **ҳозирги кунда тиббиётда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш хукимиятининг тиббиёт ходимлари олдида қўйган вазифасига жавоб бўлади деб ўйлайман.** Ва сўзим охирида, **инновацион технологияни киритишда молиявий қўллаб-қувватлаган вилоят ҳокимлигига катта миннатдорчилик билдириб қоламан.**

Баҳодир ҒАҒФОРОВ,
Сурхондарё вилоят кардиология маркази директори.

ИМКОНИЯТ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИДА ЎҚИШ БОШЛАНДИ

Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида ўқиш бошланди Президентимизнинг 2018 йил 4 июндаги «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига ўқишга қабул қайта тикланиб, 130 нафар йигит-қиз жорий йилда талабалик бахтига муяссар бўлди.



Мазкур филиалда янги ўқув йили бошланишига бағишлаб ўтказилган тадбир ва «Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!» шиори остидаги «Муштақиллик дарслари» юқори савияда ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини тако-

миллаштириш, бу борада ҳудудлар эҳтиёжини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида сўз юритилди. Дарҳақиқат, филиалда ўқишга қабул қилишнинг қайта тиклангани водий вилоятлари ёшлари учун катта имконият яратди.

Мазкур таълим даргоҳи учун ажратилган бинода 5 миллиард

сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, ўқув бинолари ва жиҳозлари янгиланди. Ўқув-услубий қўлланмалар, бадий адабиётлари жамлаган ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари ташкил этилди. Замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Белгиланган барча юмушлар ўз муддатида бажарилиши натижасида 2018-2019 ўқув йили учун тиббий таълим, тиббий педагогика ва олий ҳамширалик факультетларига 130 нафар талаба қабул қилинди. Янги ўқув



йилидан бошлаб бу ерда 500 дан зиёд талабага 9 нафар фан доктори, 34 фан номзоди ва малакали ўқитувчи-мураббийлар сабоқ беради.

– Вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан кейинги босқичда 9 миллиард 100 миллион сўмлик капитал реконструкция, жиҳозлаш ишларини амалга ошириш

кўзда тутилган, – дейди Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали директори Ғофиржон Султонов. – Ҳозирги кунда филиалимиз томонидан Россия, Жанубий Корея, Германия сингари мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги «Муштақиллик дарслари» Тожикистондан ташриф буюрган бир гуруҳ олимлар, вилотимиздаги профессор-ўқитувчилар иштирокида ўтказилиб, унда талаба-ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар алоҳида таъкидланди.

Фаргона вилояти

Саломатлик мактаби

БАҒДОДЛИКЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Фаргона вилояти Бағдод туманида аҳоли чуқурлаштирилган саломатлик мактаби доирасидаги тиббий кўриқдан ўтказилди.
Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган тиббий кўриқка 1000 га яқин аҳоли, жумладан, кексалар, оналар, болалар, ўсмирлар қам-

раб олинди. Малакали терапевт, кардиолог, офтальмолог, стоматолог, невропатолог каби шифокорлар гуруҳи замонавий тиббий ускуналар ёрдамида ташхис ишларини сифатли бажариб, касаллиги аниқланган беморларга зарур маслаҳатлар берди. Тегишли ташхис асосида 161 нафар фуқаро амбулатор ва 26 нафар киши

стационар шароитда даволанишга тавсия этилди.

Тиббий кўриқ доирасида соғлом турмуш тарзи асослари, оилада тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда касалликлар профилактикаси юзасидан тарғибот тадбири ташкил этилди.

(ЎЗА).

Дил изҳори**Бахтимизга омон бўлинг**

Кўп йиллардан буён оёғим ва бел соҳамдаги оғриқлар безовта қилиб келади. Яқинда шифо муолажаларини олиш учун Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг катталар тавматологияси бўлимида даволандим. Айниқса, бўлим бошлиғи Н. Абдулҳақов, тажрибали шифокорлар Н. Ступина, Э.

Шукров, М. Асомов, Ж. Акбархонов каби қўли енгил шифокорларнинг кўрсатган сифатли тиббий ёрдамлари туфайли тузалиб, оилам бағрига қайтдим. Шу ўринда аввало, марказ директори М. Азизов, шунингдек, юқо-

рида номлари тилга олинган барча тиббиёт ходимларига чексиз ташаккуримни билдираман.

Кейинги йилларда Президентимизнинг кексаларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларини амалда тадбиқ этаётган Тошкент

шаҳар Миробод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сонли оилавий поликлиниканинг аҳил жамоаси ҳолимдан доимий хабар олиб туришибди. Жумладан, поликлиника бош шифокори Нарғиза Холмухамедова, худуд ши-

фокори Худаярова ҳамда бош ҳамшира Азизахонларнинг меҳнатларини эътироф этсам арзийди. Ўз ўрнида ана шундай қалби пок, жонқуяр ва малакали соҳа ходимларига миннатдорлик изхор этиб, уларга оилавий хотиржамлик, мустақам соғлиқ тилаб қоламан.

Сергей ОГАНЕСЯН,
II гуруҳ ногирони.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-текшириш институти докторантура ва мустақил изланувчилик сифатида ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисида эълон қилади
Ҳужжатлар 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Докторантурага (DSc) талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим диплом нусхаси;
- тиббиёт фанлари номзоди ёки PhD диплом нусхаси;
- изланиётган мавзу бўйича илмий доклад;
- диссертация режасининг кенгайтириб ёритилган лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра сўхбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (иккита) рўйхати;
- чоп этилган илмий ишларнинг нусхалари.

Таянч докторантурага (PhD) талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим диплом нусхаси;
- магистратура диплом ёки клиник ординатура диплом нусхаси;
- изланиётган мавзу бўйича илмий доклад;
- диссертация режасининг кенгайтириб ёритилган лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (битта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра сўхбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (иккита) рўйхати;
- чоп этилган илмий ишларнинг нусхалари.

Мустақил изланувчиликка (PhD/DSc) талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (илмий-педагогик стаж камида 2 йил);

- олий таълим диплом нусхаси;
- магистратура диплом ёки клиник ординатура диплом нусхаси/ тиббиёт фанлари номзоди ёки PhD диплом нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (PhD – битта, DSc – учта мақола), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра сўхбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (PhD – иккита, DSc – иккита) рўйхати;
- чоп этилган илмий ишларнинг нусхалари.

Таянч докторантурага қираётган шахслар кўйидаги кириш имтиҳонларни топширадилар:

- Мутахассислик (Микробиология ва вирусология, юқумли касалликлар);
- Чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича).

Докторантурага қираётган шахслар мутахассислик бўйича сўхбат натижаси бўйича қабул қилинади.

Таълим олиш учун тўлов бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага сўхбат **1 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади.**

Объявление

Научно-исследовательский институт Вирусологии МЗ РУз объявляет о приеме претендентов на обучение в качестве докторантов и самостоятельных соискателей.

Документы принимаются с 15 сентября по 15 октября.

Перечень требуемых документов для обучения в докторантуре (DSc):

- Заявление;
- Справка-объективка;
- Копия трудовой книжки, заверенная в установленном порядке;
- Копия диплома о высшем образовании;
- Копия диплома кандидата наук или PhD;
- Научный доклад по теме исследования;
- Развернутый проект плана диссертации;
- Список опубликованных научных работ (3 статьи, 2 тезиса);
- Оттески опубликованных научных работ.

Перечень требуемых документов для самостоятельного соискательства (PhD/DSc):

ния в базовой докторантуре (PhD):

- Заявление;
- Справка-объективка;
- Копия трудовой книжки, заверенная в установленном порядке;
- Копия диплома о высшем образовании;
- Копия диплома магистра либо клинической ординатуры;
- Научный доклад по теме исследования;
- Развернутый проект плана диссертации;
- Список опубликованных научных работ (1 статья, 2 тезиса);
- Оттески опубликованных научных работ.

Перечень требуемых документов для самостоятельного соискательства (PhD/DSc):

- Заявление;
- Справка-объективка;
- Копия трудовой книжки, заверенная в установленном порядке (научно-педагогический стаж не менее 2 лет);

- Копия диплома о высшем образовании;
- Копия диплома магистра либо клинической ординатуры / копия диплома кандидата наук или PhD;
- Характеристика с места работы;
- Список опубликованных научных работ (PhD – 1 статья / 2 тезиса, DSc – 3 статьи / 2 тезиса);
- Оттески опубликованных научных работ.

Претенденты на обучение в базовой докторантуре сдают вступительные экзамены по:

- специальности (Микробиология и вирусология, инфекционные болезни);
- иностранному языку (изученному на предыдущих уровнях образования).

Претенденты на обучение в докторантуре проходят собеседование по специальности.

Условия оплаты за обучение – бюджетное финансирование.

Вступительные экзамены в базовую докторантуру и собеседование в докторантуру проводятся в период с **1 по 25 ноября.**

Фахр

СПОРТЧИЛАРИМИЗ УЛКАН ЗАФАРЛАР БИЛАН ҚАЙТДИ

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза, жами 70 та медални қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди.



Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро азропортида спортчиларимизни вазирилик ва идоралар, спорт жамоатчилиги вакиллари, ота-оналар ва мухлислар кутиб олди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни

давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги қарори муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча қулай шароитлар яратилган.

Осиё ўйинларида Япониянинг Токио шаҳрида бўладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини ҳимоя қиладиган спортчиларимизнинг имконияти ва салоҳияти синовдан ўтказилди. Индонезияда қайд этилган натижалар ўзбекистонлик мураббийлар ва мутахассислар спортчиларни Олимпиадада тайёрлашни тўғри йўлга қўйганини кўрсатди. Осиё ўйинларида қўлга киритилган медалларнинг аксарияти Олимпиада дастуридаги спорт турлари бўйича экани фикримиз далилидир.

Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчиларимизга ҳавасим келди ва уларни кутиб олгани Марғилон шаҳридан келдим, — дейди фарғоналик тадбиркор Акмал Мадвалиев. — Уларнинг



Осиё рекордини янгилаб, олтин медални қўлга киритгани бунинг исботидир.

Осиё ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келганимиздан бахтиёримиз, — дейди енгил атлетикачи Светлана Радзивил. — Биз минглаб спорт мухлислари, халқимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ҳолда беллашувларга киришдик. Осиё ўйинларидаги муваффақиятимиз мамлакатимизда спортни ривожлантириш, нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиш учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.



ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон дунёга спорти жадал ривожланган мамлакат сифатида танилди. Хусусан, қитъа миқёсида ўтказиладиган ҳар тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси — Осиё ўйинларида спортчиларимиз мунтазам юқори натижаларга эришмоқда.

Осиё Олимпия кенгаши томонидан ташкил этилган бу галги мусобақада 232 нафар ҳамюртимиз спортнинг 30 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистон спортчиларининг қитъамизнинг энг нуфузли мусобақасида муваффақиятли қатнашишида

муваффақиятини кўриб, мен ҳам фарзандларимни спортчи қилмоқчиман. Насиб қилса, болаларим улар каби маҳоратли спортчи бўлиб, юртимиз байрогини халқаро майдонларда кўкга кўтарари. Улар бундай юқори марраларни забт этиши учун юртимизда барча имкониятлар етарли.

Жакарта ва Палембанг шаҳарларида эришилган юқори натижалар асосида мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб бораётгани, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самара бераётгани намойён бўлди. Енгил атлетикачимиз Светлана Радзивил XVIII Осиё ўйинларининг балангликка сакраш баҳсларида

Ҳа, спортчиларимиз жорий йилги Осиё ўйинларида ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини намойён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек спортининг ёрқин келажagini таъминлашга қўдир спортчилар тарбияланаётгани, уларни келгусида янада юксак галабалар кутиб турганидан далолатдир.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

Жавоҳир ТОШХҲҲАЕВ.

Муҳаммад АМИН олган суратлар. (ЎЗА).

ҲАР БИР АЁЛ САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА



Бухоро вилояти Ромитан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида фаолият юритаётган Аёллар маслаҳатхонасида болалар гинеколог, педиатр, УТТ врач, терапевт, акушер-гинеколог, онкогинеколог куриклари доимий равишда ўтказиб келинади.

Ҳомилдорларни эрта ҳисобга олиш, туғруқдан кейин барча аёллар билан суҳбат ўтказиш, қизларни соғломлаштириш, бехатар оналикка тайёрлаш ушбу маскан фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

Албатта, бундай эзгу ишлар оналар ва болалар саломатлигига қаратилган бўлиб, бу борадаги ишлар республикамиз миқёсида изчиллик билан олиб борилмоқда. Шундай экан, мазкур йўналишдаги фаолиятлар соҳага оид чиқарилган қарорлар ижросининг амалдаги ифодасидир, десак муболага бўлмайди.

(ЎЗА).



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирилик

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 2596 нусха.
Буюртма Г-937.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҲШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.